

Ноилож ортга, Қорасувга қайтган Қосим 2015 йилнинг февраль ойи бошида ва апрель ойида яна икки бор Туркияга сафар уюштиради. Биринчи сафар «қуруқ» қайтади. Иккинчисиде эса Туркиядаги «ҳомий» Унсин 3 минг асл АҚШ доллари эвазига 20 минг қалбаки доллар билан «сыйлайди».

8 бет

Аввалига қонунлардан оғишмай фаолият олиб борган Н.Қобулова орадан маълум вақт ўтгач, жамиятни боши берк кўча томонга буриб юборди. Дастлаб у жамиятга тегишли бўлган махсуслотларни номаълум фуқароларга нақд пулга сотиб юборди. Савлодан тушган пулларни эса назорат-касса машинасида ўтказмайди.

11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидош

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan [www.huquq-gazeta.uz](http://www.huquq-gazeta.uz)

2016-йил 11-fevral, №6 (995)



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига

## Алломанинг ҳуқуқий қарашлари



Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси мана беш аср-дирки, башариятнинг ёрқин юлдузларидан бири сифатида атрофга эзгулик нуруни таратмоқда. Унинг чақмоқдай шиддати, шижоатли умри ботирлик, олижаноблик тимсолидир. Бобурнинг саргашта умри давомида ёзган асарлари ўз самимияти билан ҳамон дунё аҳлини маҳий қилиб келади.

ли бўлади. Шунинг учун ҳам улуг аждодларимизнинг ободлик, фаровонлик тўғрисидаги ғояларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

### Буюк шахс ва адолатли ҳукмдор

Шарқ мутафаккирларининг ижоди ва ижтимоий қарашларида адолат ғояси муҳим ўрин тутлади. Зеро, улар ҳар қандай давлат ва жамият барқарорлиги, юксалишининг туб негизиде адолат туришини яхши англаган. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва фаолиятида ҳам адолат, адолатпарварлик ғоялари салмоқли ўрин тутди. Маълумки, Бобур нафақат шоир ва адиб, балки дунё тарихидаги энг буюк салтанатлардан бирининг асосчиси ва ҳукмдори эди. У етук давлат арбоби, шох сифатида мазкур масаланинг нақадар муҳимлигини бошқалардан кўра чуқурроқ ва яхшироқ тушунган, салтанат ишларида ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишга интилган, асарларида эса бу ғояларни тарғиб қилган.

У шох асари "Бобурнома" -

да кўплаб ҳукмдорлар, маҳаллий ҳоким ва амалдорлар ҳақида сўз юритар экан, уларнинг адолат тамойилларига нечоғли амал қилганига алоҳида эътибор қаратади. Шу жиҳатдан ёндашилса, "Бобурнома" ўша даврнинг ижтимоий-ҳуқуқий манзараси ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бера олади. Масалан, Бобур ўзининг амакиси, Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо ҳақида сўз кетганда "одил киши эди" деб ёзади ва Самарқанд аҳолиси узоқ йиллар давомида унинг қўл остида яхши ҳаёт кечиргани, ҳукмдорнинг халққа яхши муносабатда бўлганини эътироф этади. Теурийлардан Бойсунгур Мирзони эса "адолатпеша ва одми ва хуштабъ ва фазилатлик подшоҳода эди" деб таърифлайди.

Отаси Умаршайх Мирзо ҳақида келтирган бир маълумот диққатга сазовордир. Унинг аҳамияти шундаки, бу ўринда адолатпарварлик ҳақида умумий тарзда эмас, муайян бир ҳуқуқий масала — мерос ҳуқуқига муносабат ҳарусида сўз юритилади.

[Давоми 3-бетда]

### Парламентда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

## Маблағлар миқдори ошади

Мазкур комиссия аъзолари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган йиғилишда Жамоат фондининг 2015 йилги фаолияти муҳокама этилиб, 2016 йилги иш режаси белгилаб олинди.

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат бюджетиде хисобидан моддий қўллаб-қувватланмоқда. 2015 йилда ҳам фонд маблағлари нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг талабномалари ҳамда Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ уларга субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртмалар тарзда берилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида жамоат ташкилотларининг уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларни соғломлаштириш, отахон ва онахонларни протез-ортопедик воситалар, дори-препаратлар билан таъминлаш, навқирон авлодни нурунийларга ҳурмат руҳида тарбиялашга йўналтирилган лойиҳалар, ғоя ва ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

2016 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 11 миллиард сўм миқдориде маблағ ажратилди. 2015 йил билан солиштирганда ажратилган маблағ миқдори 10 фоиз кўндр. Жамоат ташкилотлари лойиҳаларини танлаб олишда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга оид лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда Жамоат фонди фаолиятининг 2016 йилги дастури, фонд маблағларини тақсимлашнинг асосий йўналишлари, Парламент комиссиясининг иш режаси, давлат ижтимоий буюртмалари ва давлат гранти бўйича навбатдаги танловларни эълон қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссияларининг иши атрофлича таҳлил этилди.

ЎЗА

## Жамият ва фуқаролар хизматида

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзаро рақобатни кучайтириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, мамлакатимиз иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб, экспорт салоҳиятимиз ҳам ана шу соҳа билан чамбарчас ҳолда ривожланиб бормоқда. Бу албатта, юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг самараси десак, янгилашмаймиз.

Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида сўнги йилларда қабул қилинган қонун, фармон ва қарорлар асосида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, янгидан иш бошлашлари, фаолият қўламини кенгайтиришлари учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъмин-

лаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратил-

ган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакат иқтисодиётидаги муҳим бўлган тармоқ нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

Фармон талаблари ва мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси мунтазам равишда таҳлил қилиб келинмоқда. Бунда ҳокимликлар, бошқарув ва назорат органлари томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаёттир.

Жумладан, ўтган йилда тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигига қарши қаратилган ҳаракатларни аниқлаш, натижаси бўйича чоралар кўриш мақсадида ўтказилган текширишларда 103 та қонуний ҳужжатта нисбатан протест келтирилиб, бекор қилин-

ди ва қонун ҳужжати талабига мувофиқлаштирилди.

Амалдаги қонунчилик талабларига биноан бир неча назорат органлари биргаликда ўтказган текширишда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан тадбиркорлик субъектига битта ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши талаб этилади.

Бирок, "Усмонов Барҳаёт Муротжонович" хусусий корхонасида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатининг иш режасида ўтказилган текшириш натижасига кўра, Бешариқ туман Давлат солиқ инспекцияси ва туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан алоҳида-алоҳида баённомалар тузилиб, қонунга зид равишда корхона раҳбари иккиёқлама маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шу боис, ИИБ ЁХБнинг ноқонуний қарорини бекор қилиш ҳақида протест келтирилиб, туман ДСИ бош инспектори Б.Қодиров интизомий жазога тортилди.

[Давоми 4-бетда]

# Ёшлар бандлигини таъминлаш йўлида

Мамлакатимизда таълим тизимини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга назарий билимлар бериш баробарида, корхона ҳамда ташкилотларда амалий кўникмаларини оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб доимий эътибордаги масалалардан бири ҳисобланади. Тизим қонунчилик базасининг мустаҳкамлангани эса бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтиришда, реал иқтисодиётнинг турли жабҳалари учун зарур мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўляпти.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳаётга татиқ этиш аниқ зарурат эканлиги таъкидланган эди.

Шу нуқтаи назардан ёшларнинг икки ҳамда ундан ортик мутахассислик бўйича касб-хўнар ўрганишида муҳим ўрин тутаятган ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизими, шунингдек, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳада самарадорликка эришишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда барпо этилган кўркам касб-хўнар коллежлари ҳамда академик лицейлар замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан изчил таъминланаётгани, бу эса ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича тўлиқ билимларни эгаллаш билан бирга, ушбу ўқув юртлиридаги замонавий техника ҳамда технологияларни ўзлаштириш имконини бермоқда.

Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам Вазирилар Маҳкамасининг 2015

йил 10 мартдаги "Касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишдаги фаолият жараёнида Наманган шаҳридаги Давлатобод енгил санат касб-хўнар коллежига қарашли, 1968 йилда қурилган, 810 кв. метр майдонга эга бўлган, 2003 йилдан буён фойдаланилмаётган ошхона биноси мавжудлиги аниқланди. Унинг фойдаланишга яроқлилиги мутахассислар жалб этиш орқали ўрганилиб, ижобий хулоса олинди ва вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан қайта таъмирланиб, "Ўқув ишлаб чиқариш мажмуаси" ташкил этилди.

Бинонинг 2-қаватида тикув цехи, 1-қаватида тайёр маҳсулотлар кўرғазма зали, ишчиларга овқатланиш, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари ташкиллаштирилди. Мазкур бинони қайта таъмирлаш, тикув дастгоҳлари сотиб олиш ва худудни ободонлаштириш учун вилоят ҳокимлиги томонидан 30 миллион сўм, "Маҳорат мактаби" тахририятдан 20 миллион сўм, маҳаллий бюджетдан 315,2 миллион сўм, жами 365,2 миллион сўм пул маблағи ажратилди.

Ушбу маблагнинг 98 милли-

Адхамхўжа ИСМАИЛОВ,  
Наманган вилоят прокуратураси  
бўлим катта прокурори

он сўми Хитой ва Германия давлатларида ишлаб чиқарилган 65 та тикув машинаси сотиб олиш, 126 миллион сўми таъмирлаш, 90 миллион сўми иситиш тизимини янгилаш ва коммуникация тармоқларида улашиш, 31 миллион сўми ободонлаштириш, 20 миллион сўми эса хомашё сотиб олиш учун сарфланди.

Мажмуада иш 2 сменада ташкил этилиб, 140 нафар тикувчи ва бичувчи, 20 нафар раҳбар ва техник ходим учун, жами 160 та янги иш ўрни яратилди. Аҳамиятлиси, бунинг 150 нафари коллеж битирувчилари учундир.

Ҳозирда 54 нафар тикувчи (барчаси касб-хўнар коллежлари битирувчилари) 16 нафар раҳбар ва техник ходим (12 нафари коллеж битирувчилари), жами 70 киши танлов асосида ишга қабул қилинди. Ишчиларнинг ўртача ошлик иш ҳақи 400 минг сўмини ташкил этмоқда. Шунингдек, ҳар бир сменада ишчилар учун 1 маҳал бепул иссиқ овқат берилди.

Мажмуа ошхонаси 40 ўринли бўлиб, овқат тайёрлаш, сақлаш ва овқатланиш учун керакли бўлган жиҳозлар билан таъминланган. Иш ўринларида коллеж битирувчилари танлов асосида қабул қилинмоқда.

2015 йил 5 декабрда мазкур мажмуанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ва прокурори, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, ўрта махсус ва касб-хўнар таълими бошқармаси раҳбарлари, шаҳар-туман прокурорлари, ҳокимлари, бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари ва касб-хўнар коллежлари директорлари қатнашдилар.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мақсади, янги қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига тушунтириш юзасидан олиб борилаётган тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда.

## Рақамсиз далолатномалар

Жаҳонгир ХАТАМОВ,  
Ғиждувон туман прокурори

Пировардида, фуқароларнинг қонунларга нисбатан ишончи ортиш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалаёпти. Ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилишни ўрганган одамлар ноқонуний хатти-ҳаракат қилган киши қонун олдида жавоб беришини, жазонинг муқаррарлигини англашяпти.

"Ғарбгазтаъминот" унитар корхонасининг "Ғиждувонгаз" филиалида назоратчи бўлиб ишлаб келган Носир Тўраев ҳамда унинг шериги Бехруз Мухаммедов одамлардаги бундай ўзгаришларни ҳисобга олмасдан қалтис ҳаракат қилиб, суднинг қора курсисидан жой олишди.

Фарҳод Бобоевни нафақат Қассобон қишлоғи аҳолиси, балки Ғиждувон туман бозорларида ҳам кўпчилик яхши танийди. У миллий ширинликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркор сифатида эл хизматида. Меҳнатдан бахт топишни билган киши борки, тадбиркорлик қилиб, ҳалол яшаш йўлини танлайди. Чунки тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида.

Эшик тақиллатиб келган кишилар ўзларини газ идорасидан деб таништиришди ва "2010 йил 1 апрелга қадар газ ҳисоблаш ускуналари замонавий электрон газ ҳисоблагичларга алмаштириш лозим эди," дейишди.

— Майли, алмаштириш керак бўлса, алмаштирамиз, — деди тадбиркор.

— Энди кеч. Биз далолатнома расмийлаштирамиз. Сиз жарима тўлайсиз, — Носир Тўраев дарров қоғозқалам қилиб, рақамсиз далолатномани тўлдириб қўйди.

Бу ноқонуний ҳужжат қайдига кўра, Ф.Бобоев 800 минг сўм жарима тўлаши керак.

— Бирор йўли бордир, ахир. Ёрдам беринг, ака, — деди тадбиркор синчковлик билан.

— Ҳа, энди сизиям тушунам. Рози бўлиб, 300 минг сўм берсангиз, бундан кейин ака-ука бўлиб, келишиб ишлайверамиз. Газ борасида ҳеч ким сизни безовта қилмайди.

2015 йил 14 сентябрь куни тамагирик йўли билан Ф.Бобоевдан 300 минг сўм пул олиб, Б.Мухаммедов билан ўзаро бўлиб олишади ва шахсий эҳтиёжлари учун ишлаб юборишади. Тамагирилар пул топишнинг жуда осон, аммо ўта қалтис йўлини топиб олишгандан ақлаб чалғиб қолаётганини ўзлари ҳам сезишмасди. Чунки ақл нафсининг измига тушиб бўлган эди-да.

Энди улар тадбиркор Маҳмуд Жўраев хонадони дарвозасини тақиллатишди. Текширувчи деса, юрак олдирган тадбиркор "Давлат рўйхатидан ўтган бўлсам, солиқларни тўлаяпман, ким экан-а", дея эшикни очди. "Газ идорасиданмиз", деб бошланган таништирув газ ҳисоблагич эскилиги, янги электрон газ ҳисоблагич ўрнатиш шартлиги ва бу ноқонуний ҳолат учун ҳам қонунга хилоф тарзда рақамсиз далолатнома тўлдирилди.

Йўлаб-йўлаб ўйининг охирига етолмаган Маҳмуд Жўраев кейинги кун Ғиждувон туман газ идорасига бориб, Н.Тўраев билан учрашди.

— Мен бунча пулни қаердан оламан, рўзгор, болачақа деганларидек...

— Далолатнома қўлимизда. Сизга ёрдам беришимиз мумкин. Бир миллион икки юз минг сўм эмас, 700 минг сўм берсангиз, ҳаммасини тўғрилаймиз, ака. Бундан кейин газ борасида...

— Бўпти, мен розиман, — "газ"чи гапини тугатмасданок вазиятни тушунган тадбиркор улар айтган манзил "Қорахони" ҚФЙ Кўрғон қишлоғи худудидagi ошхонада учрашадиган бўлди.

У 2015 йил 15 сентябрь куни келишилган манзилда пулни қўлга олди-у пуллардаги махсус ёзувни кўриб, кўз олди қоронғулашиб кетди...

Носир Тўраевга шериклик қилган Бехруз Мухаммедов расмийлаштирилган далолатномаларни "Ғиждувон тумангаз" филиали ҳуқуқшуносига топиштириш лозимлигини билса-да, уни йўқотиш эвазига ўз "улуш"ини олиб, хатога йўл қўйгани, арзиманган пул учун эл олдида юзи шувёт бўлгани қолди. Суд бу химсаларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

## Тадбиркорлар манфраатини кўзлаб

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончи ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончи ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни ижроси бўйича Нукус шаҳар прокуратураси томонидан бир қатор назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, юқоридаги фармон ва қонун ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йилда тадбиркорлик субъектларига 1 млрд. 991 млн. сўмдан ортик кредит маблағлари ажратиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Масалан, Нукус шаҳридаги "Мадина-Асемай-Насиба" МЧЖнинг шаҳар прокуратурасига қилган мурожаати бўйича меҳмонхона хизмати кўрсатиш йўналишида жами 6 млн. сўмлик кредит пул-

лари олишда амалий ёрдам кўрсатилганлиги натижасида 6 та янги иш ўрни яратилди.

Фуқаро М.Айтбаевнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун устакхона қуришга ер ажратиб беришни сўраб қилган мурожаати ҳам ўрганилди. Нукус шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасининг ордери билан фуқаро М.Айтбаевга кўчма устакхона ўрнатиши учун рухсат берилди.

Шаҳар прокуратураси ўтган йил давомида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида жами 125 та ҳолатда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш ҳолатларини аниқлаб, 61 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланди.

Бугун жамиятимизда тадбиркорлар учун барча эшиklar очик. Прокуратура органлари эса тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг фаолиятига ров ва тўсиқ бўлиб турган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга нисбатан кескин чоралар кўриш, хусусий мулкни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тимур КИЛИЧОВ,

Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси





# Жамият ва фуқаролар хизматида

/Давоми.  
Бошланиши 1-бетда/

Бундан ташқари, ҳокимликлар, ҳудудий архитектура ва қурилиш бўлиmlлари, ер ресурслари ва давлат кадастри хизматида тадбиркорлик учун ер ажратиш, ер майдонлари, кўчмас мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш борасидаги муурожаатларнинг қонуний ҳал этилиши ўрганиб борилмоқда. Ана шу ўрганишларда ўтган йил мобайнида 49 та ҳолатда ер масаласи билан боғлиқ қонунбузилиши аниқланиб, бартараф этилди. Бу ҳолатларга йўл қўйган мансабдорларга нисбатан эса жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада ҳар бир муурожаатга алоҳида эътибор қаратилиб, қонуний ҳал бериб келинмоқда. Хусусан, Улуғнор туманида фаолият юритувчи "Истикбол қурилиш гавҳари" фермер ҳўжалиги раҳбарининг муурожаатига асосан, унинг манфатини кўзлаб, виллоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилиб, "Фаргона нефтни қайта ишлаш" заводидан фермернинг пул маблағлари ундириб берилди.

Яна бир асосий йўналиш, фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш тўғрисида ариза билан муурожаат қилган тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ташкил қилиниши белгилаб қўйилди. Бунда ўз тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган субъектлар атрофида ўрганилиб, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда уларнинг фаолиятини қайта тиклаш чоралари қўрилмоқда.

Учрашувлар натижаси ўлароқ, 227 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланиб, 561 та иш ўрни йўқотилишининг олди олинди. Мисол учун, ўтган йилнинг биргина декабрь ойида "Водий тонг шамоли", "Сифатли бригада плюс", "Абдуллаев Аҳаджон", "Материқ коинот фазо" хусусий корхоналари ва "Учкўприқ Идеал сервис" МЧЖнинг фаолияти қайта тикланди.

Вилоятда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 48,1 млн. сўм етказилган зарар ихтиёрий ундирилди, судга 480 млн. сўмлик даъво аризалари киритилиб, 7 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди, 800 дан ортиқ тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари тикланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, виллоят прокуратурасининг ишонч телефонига келиб тушган муурожаатларнинг 249 таси қаноатлантирилди. Шу жумладан, 179 та тадбиркорлик субъектидан келиб тушган муурожаатларнинг 158 таси қаноатлантирилиб, қонун доирасида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Муурожаатларни кўриб чиқишда тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини амалда тиклаш, уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериши таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, яқна тартибдаги тадбиркор Х.Ориповга банкдан кредит олиш масаласида турли тўсиқларга учраганлиги сабабли, амалий ёрдам бериши сўраб қилган муурожаати асосида виллоят прокуратурасининг ёрдами билан тадбиркорга ТИФ "Миллий банк" Риштон туман бўлими томонидан кредит ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам доимий чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Ўтган йилда бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этишга қаратилган 2000 тага яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди ва 400 нафардан зиёд фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, бошқарув ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларида ўтказилган қонунчилик ижроси таҳлилларининг натижалари бўйича 6099 та назорат ҳужжатлари қўлланилиб, 15506 нафар фуқаро ва 39 та юридик шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мансабдор шахсларнинг 816 та қонуний қабул

қилинган ҳуқуқий ҳужжатларига протест келтирилиб, бекор қилинди ёки қонунга мувофиқлаштирилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Етказилган моддий зарарларнинг 142 млн. сўми ихтиёрий ундирилиши таъминланиб, 2,2 млрд. сўми ундириш ҳақида судларга даъво аризалари киритилди.

Муҳим йўналишлардан яна бири, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, соғлигини сақлаш, меҳнат ва бандлик, тўлов интиминоми мустаҳкамлашга оид қонунлар ижроси устидан назорат қўйилди. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўловига оид қонунчилик ижроси алоҳида назоратга олинди. Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш билан бирга бунга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг тегишли тартибда жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Хусусан, "Беширик пахта тозалаш заводи" АЖНинг 150 нафар ишчи-ҳодимига 85,4 млн. сўм иш ҳақларини ундириб бериш хусусида фуқаролик судига ариза киритилди. Шунингдек, судга даъво аризаси киритилиб, "Қувадонмах-сулотлари" АЖНинг 100 нафар ишчисига жами 43,5 млн. сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Иш ҳақи тўловларига оид қонун ҳужжатлари ижроси таҳлилларига аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Фуқаролик судларига киритилган аризалар бўйича 3,3 млрд. сўмдан зиёд иш ҳақлари ундирилди. 2672 нафар ишчи-ҳимоятнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борабарида янги иш ўринлари яратиш орқали меҳнат ва бандлик масаласи ҳал этилиб келинмоқда.

Бунда шаҳар ва туман прокурорлари ташаббуси билан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашган иш изловчиларнинг 3436 нафарига йўлланмалар бери-

либ, корхона ва муассасаларга ишга жойлаштирилди.

Меҳнат ва бандликка оид қонунчилик ижросининг таҳлилларида эътиборга молик ишлар билан бирга мутасадди ташкилотларнинг айрим ҳодимлари кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш билан шуғулланганлиги аниқланди.

Ҳисоботларга 61 нафар аслида ишламаётган фуқаролар ишга жойлаштирилганини қўшиб ёзган Бағдод туман бандликка кўмаклашиш марказининг 10 нафар ҳодими интиминоий жавобгарликка тортилди.

Яна бир ҳолат, Ўзбекистон туманидаги 4 та фермер ҳўжаликлари ҳамда умумтаълим мактабига гўёки 49 нафар ишсиз фуқаро мустақил равишда ишга жойлашганлигини туман бандликка кўмаклашиш маркази инспекторлари ҳисоботларга киритиб, расмий ҳужжатларни қалбақлаштирилганлар. Ушбу ҳолат бўйича айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Бандликка кўмаклашиш марказлари айрим ҳодимларнинг хизмат вазибаларига совуққонлик билан қараш оқибатида шаҳар ва туманларда яратилган жами 109 та иш ўрни ҳисоботларга киритилмади.

Оқоридаги каби қонунбузилишларга нисбатан 400 дан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Судларга 1,8 млрд. сўми ундириш хусусида даъво аризалари киритилди, 2130 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўтган йилда "Кексаларни эъозлаш йили" Давлат дастурини ижроси устидан ҳам қатъий назорат олиб борилиб, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг соғлигини сақлаш, пенсия ва нафақалар тайинлаш ҳамда бюджет маблағларининг қонуний сарфлашига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, пенсия жамғармаси туман ва шаҳар бўлиmlлари томонидан иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга 6 та ҳолатда тўланмай қолган 6,3 млн. сўм компенсация пуллари текширишда тўлатиб берилди.

Шунингдек, қонун талаблар-

Шўҳрат ҚАРИМОВ,  
Фаргона виллоят прокурорининг ўринбосари

рига зид равишда рўйхатга киритилмаган ногиронлик аравачасига муҳтож 6 нафар кекса ёшдаги фуқаро ҳамда ногиронлар аравачаси билан таъминланмаган 37 нафар муҳтож фуқаро "Соғлом авлод учун" ҳўкуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг виллоят ҳудудий филиали билан ҳамкорликда ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Бундан ташқари, текширишларда Фаргона виллоят ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказига қарашли 50 ўринли давлат биносида мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш давомида пудратчи "Барак Файз Инвест" хусусий корхонаси томонидан 32 млн. сўм камомат мавжудлиги аниқланди. Ҳолат юзасидан корхона мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ривожланиши, аҳоли реал даромадининг ортиши баробарида шаҳар ва қишлоқларда қурилиш, ободончилик ишлари ҳам кенг қулоч ёймоқда. Барча қулайликларга эга намуналий ўй-жойлар қишлоқларимизга ўзгача кўрб бағишлamoқда.

Ўтган йилда виллоятдаги 30 та массивда 1019 та намунавий лойиҳалар асосида ўй-жойлар ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши бўйича тендер танловлари ўтказилди. Тендерда ғолиб топилган пудратчи корхоналар қурилиш ишларини сифатли ва тўқис адо этишлари алоҳида назоратга олинди.

Хулоса қилиб айтганда, жорий йилда ҳам виллоят прокуратураси органлари барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратади.

## Иқтисодиётнинг ажралмас бўғини

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, фермерларга янада эркинлик бериш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этишга қаратилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётди. Бугунги кунда фермер ҳўжаликлари нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уни қайта ишлаб экспорт қилиш, қишлоққа саноатни олиб кириш орқали янги иш ўринларини яратишга ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Дехқон ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари қабул қилинди ва шулар асосида қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун тўла ҳуқуқий асос яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қўллаб тегишли қарорлари қабул қилиниб, республикада кўсонли ва кўптармоқли фермер ҳўжаликлари ташкил этилди.

Бугун ташкил этилган фермер ҳўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисо-

дий ва молиявий қўрсаткичлари бу турдаги ҳўжалик юритиш шаклининг анча самарали эканлигини ҳамда бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нечоғлиқ тўғрилигини исботлади.

Аммо, айрим ҳолларда фермер ҳўжаликлари томонидан ер майдонларидан самарасиз фойдаланилаётганлиги, молиявий-иқтисодий аҳолининг сурунлиги оғирлиги, моддий-техника ресурслари билан таъминланмаганлиги, ер ажратишда туманларнинг тупроқ-иклим шароитига ва туманлардаги аҳоли зичлиги ва бандлиги масалаларига эътибор берилмаганлиги, шунингдек ҳўжаликларнинг тармоқ ихтисослиги (пахта ва

ғаллачилик, боғ ва узумчилик, сабзавот ва полизчилик, чорвачилик ва бошқалар) бўйича ер участкаларининг мақбул бўлинмаганлиги каби масалалар юзага келди.

Шу мақсадда, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2015 йил 21 ноябрдаги йиғилиш баёни ижросини таъминлаш юзасидан ўтган йилда фермер ҳўжаликларини юритиш учун берилган ер майдонларидан самарали фойдаланилиши, уларнинг молиявий-иқтисодий ҳолатининг барқарорлиги, тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари бажарилиши, ҳудудларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини, аҳоли зичлигини, тегишли касбий жиҳатдан тайёрланган кадрлар салоҳиятини ва қишлоқ жойлардаги аҳоли учун янги иш ўринлари яратиши каби қўрсаткичларни чуқур таҳлил этган ҳолда фермер ҳўжалик-

Нодир ЖўРАЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ларини юритиш учун берилган ер участкаларини мақбуллаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Мақбуллаштириш жараёни таҳлили, фермер ҳўжаликларининг айланма маблағлари ошганлигини, ер участкалари, минерал ўғитлар, қишлоқ ҳўжалик техникалари ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келганлигини кўрсатди.

Умуман олганда, фермер ҳўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда шартномавий мажбуриятларини бажаришда улар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, молиявий-иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритишини таъминлаш, қўшимча тармоқларни ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар давом эттирилмоқда.

/Давоми 6-бетда/



# Меҳнат меъёрларининг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти

Маълумки, меҳнат инсоннинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишидаги ўзига хос омиллардан бирidir. Шу боис ҳаққимизда "Меҳнат бахт калитидир", "Инсон меҳнати билан фазилатидир" каби мақолларнинг ишлатилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, меҳнат инсоннинг маълум бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида у табиатдаги мавжуд нарсаларни ўзгартириш, ҳаётий эҳтиёжларига мослаштириш орқали моддий нэматлар ва маданий бойликлар яратди, келажак авлодлар учун замин ҳозирлайди.

**М**еҳнатнинг бундай муносибати ҳар қандай кишилик жамиятининг асосий шартли бўлиб келган. Лекин ҳар қандай муносабатда бўлгани каби меҳнат муносабатлари жараёни доимо бирдек текис кечмасдан, ўзига хос хавф-хатарлар ҳам бўлади. Шу боис уларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда унинг зарарли таъсирини бартараф қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бажарилган вазифаси унинг саломатлигига кўра мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини ўз вақтида аниқлаш кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга, ходимнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишга ҳамда ҳар бир иш жойида хавфсиз меҳнат шартларининг таъминлашига имкон беради.

Бу эса ўз навбатида, мазкур нормаларга риоя этилган ҳар бир корхона, муассаса ёки ташкилотда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, энг аввало, меҳнат унумдорлигининг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва молиявий даромадларнинг ҳам ошишига бевосита хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари, хусусан, Меҳнат кодекси нормалари ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 2-моддасида "Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашди", дейилган. Меҳнат жараёнидаги энг муҳим масала эса — меҳнат шарт-шароитлари ва ходимлар соғлигининг муҳофазаси ҳисобланади.

Бу борада Меҳнат кодексида иш берувчининг зиммасига ҳам, ходимлар зиммасига ҳам аниқ мажбуриятлар белгиланган. Масалан, МКнинг 211-моддасида барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шарт-шароитлари яратилган бўлиши ва иш берувчининг мажбуриятига кириши, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар эканлиги кўрсатилган. Шунинг учун иш берувчи меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида МКнинг 214-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда меҳнат шартномасини тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан айрим тоифадаги

ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилади. Бундай норма "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида ҳам қайд қилинган. Мазкур талаб мулкчилик шакли, ҳўжалик юритиш усулидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, ўзга фуқароларни ишга ёллаётган жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Шу боис МКда ушбу тоифага кирувчи ходимлар кўриқдан ўтказилиши аниқ кўрсатилган: ўн саккиз ёшга тўлмаганлар; олтиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар; ногиронлар; меҳнат шарт-шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

озик-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларда ишларда банд бўлганлар; умумтаълим мактаблари, мактабга тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Мазкур тоифадаги ходимлар тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товланган ҳақи эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товланган ходимларни иш берувчи ишга қўймайди.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Тиббий кўриқдан ўтилиши муносабати билан ходимлар чикимдор бўлмайдилар. Ходим, агар ўзининг саломатлиги ёмонлашиши меҳнат шарт-шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий кўриқ ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Тиббий кўриқларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимларни ишга қабул қилиш чоғида, шунингдек, кейинчалик мунтазам ва даврий равишда тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби, уларнинг саломатлиги ишни давом эттиришга имкон бермайдиган ҳолатлар аниқланганда талаб этилаётган хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиғини сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгилаб қўйилган.

Ишга қабул қилишда дастлабки тиббий кўриқ ходимларнинг топширилаётган ишга яроқлилигини аниқлаш, аҳоли

саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли хасталиклар тарқалишига йўл қўймайди, шунингдек касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Даврий тиббий кўриқлар ўтказилиши касбга алоқадор зарарли омиллар ва ноҳуш меҳнат шарт-шароитларида ишловчилар саломатлигини мунтазам кузатиш бориши, касб касалликлари билан боғлиқ ишларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Иш берувчи ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ва ташкилотнинг касба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ҳар календарий йилнинг 1 декабрига таъкидланган тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим бўйича контингентини аниқлаши ва бу ҳақда далолатнома тузиши лозим.

Иш берувчи тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим контингентидан келиб чиқиб ҳудудий ДСЭНМ ва ташкилотнинг касба уюшмаси қўмитаси билан келишидан ҳолда тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатини тузади ва тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасига тақдим этади.

Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари томонидан ҳудудий ДСЭНМ билан келишилган ҳолда ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг календар режаси тузилади.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шарт-шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Тиббий кўриқдан ўтказилган ходимнинг касбга яроқлилик масаласи бўйича тиббий комиссия ўзининг ҳулосасини беради.

Тиббий кўриқ натижасига кўра ходим хавфи ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари остида ишлашга яроқсиз деб топилганда, унга бу тўғрисида тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг тиббий-маслаҳат комиссияси ҳулосаси берилади ва ушбу ҳулосанинг нусхаси уч кунлик мuddат ичида ходим ишлайдиган ташкилотга юборилади.

Тиббий комиссия томонидан ўтказилган тиббий кўриқ натижасига кўра ходимга қуйидаги даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари режалаштирилиши лозим:

- келиб чиқишида касбий омиладасий ҳисобланган аъзоларда кескин бўлмаган ўзгаришлар аниқланган ходимларни динамик кузатиш ва зарур даволаш чораларини кўриш;
- аниқланган касалликларнинг туридан келиб чиқиб, белгиланган тартибда ходимларни стационар ва санаторий-курортларда даволаниши учун юбориш, шунингдек дам олиш уйлари, санаторийлар ва профилакторийларга йўланма бериш;
- соғлиғи ҳолатига кўра енгиликроқ ёки хавфи ва зарар-

ли ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган бошқа ишга вақтинча ўтказишда, ишнинг тури ходимнинг маляриасини ҳисобга олиб, иш берувчи билан келишган ҳолда тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан белгиланади.

Тиббий кўриқдан ўтиш тўғрисидаги иш берувчининг буйруғи ходимлар учун мажбурийдир. Меҳнат кодексининг 113-моддасига мувофиқ, "Ходим мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товланган ёки ўтказилган текширишлар натижасига бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймайди".

Тиббий кўриқ натижаларига кўра ходимнинг ўз вазифасига қўйилган тўғрисидаги тиббий ҳулоса унга ишни давом эттиришга руҳсат берилиши учун асос бўлади.

Соғлигининг ҳолатига кўра фуқаро айрим турдаги касб-кор ҳақда юқори даражада хавф манбаи бўлган фаолият билан шуғулланишга вақтинча ёки доимий лаёқатсиз деб топилгани мумкин. Бундай қарор тиббиёт нуктаи назаридан шуғулланиш номақбул деб топилган фаолиятлар рўйхатига мувофиқ ҳолда тиббий комиссиялар чиқарган ҳулоса асосида қабул қилинади ва унинг устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Тиббиёт нуктаи назаридан шуғулланиш номақбул деб топилган айрим турдаги касб-кор ва юқори даражада хавф манбаи билан боғлиқ фаолиятлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиғини сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда белгиланади ҳамда беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида ходимда касб касаллиги билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган ҳолларда ушбу ходим тиббий комиссия томонидан касалликнинг касб билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиғини сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларига юборилиши лозим.

Бунда касб касаллигининг тури Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган "Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-илоvasида келтирилган Касб касалликлари рўйхатига мувофиқ аниқланади.

**Абдуқундуз АБДУРАҲИМОВ,**  
Бош прокуратуранинг  
ОЎК катта ўқитувчиси

Ходимнинг бажарётган касби, вазифасига нолойқлиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса иш берувчига уни бошқа ишга ўтказиш, бошқа бўш иш жойи бўлмаган ҳолларда, шунингдек, ходим бошқа ишга ўтиб ишлайдиган бош тортган тақдирда уни МКнинг 100-моддаси 2-қисми иккинчи бандига кўра ишдан бўшатиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солишга қўриқларнинг қўйлиши ҳақида"ги Қарорининг 17-бандида айтилишича, "Агар ходимнинг бажарётган ишга нолойқлигига унинг соғлиғи сабаб бўлиб, тиббий ҳулосага кўра бу мазкур ишни бажаришга тўқинлик қилса, меҳнат шартномаси ходим оғохлантирилмасдан бекор қилинади, лекин оғохлантириш эвазига унга албатта икки ҳафталик пул компенсацияси тўланади".

Лекин шу билан бирга, мазкур қарорнинг 28-бандига мувофиқ, агар ходим унга топширилган ишни удаласа, тиббий ҳулосага кўра соғлигининг ёмонлашуви, шунингдек, ногиронлик берилиши, меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 2-банди бўйича бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиб ҳисобланмайди. Аммо ходим бажариши лозим бўлган ишни удалашдан қатъи назар, агар тиббий ҳулосага кўра ходим ушбу ишни бажариши тўғри келмаса ва меҳнат жамоаси аъзолари ёхуд улар хизмат қилаётган фуқаролар учун хавф тугдирса, меҳнат шартномасининг соғлиғи ҳолатига кўра бекор қилинишига йўл қўйилади.


Тиббий кўриқ натижаларига биноан ишлаб чиқаришдаги сабабларга кўра жароҳатланиши, соғлиққа бошқа хил шикаст етиши ёхуд касб касалликларига дучор бўлиш тўғрисида эгиллаб турган вазифасига нолойқ деб топилган ходимлар бошқа ишга ўтказилган ёхуд ишдан бўшатиш тақдирда ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарар ўрни қоплатишни талаб қилишга ҳақи бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши тўғрисидаги етказилган зарарни тўлаш Қоидалари"да соғлиғига шикаст етиши ёки касб касаллигига дучор бўлиши тўғрисидаги ходимларга етказилган моддий зарар ўрни қоплаш тартиби ва уларга бериладиган қарорлар назарда тутилган.

Ҳулоса қилиб айтганда, ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши биринчи навбатда уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотда хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини таъминлашнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

# Баркамол авлод манфаати йўлида

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ноқ ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизни соғлом ва баркамол вояга етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида барча зарур шароитлар яратилмоқда. Шунга мос ҳолда мустақиллик фарзандлари ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.



Бинобарин, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари муҳофазаси ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш, айниқса, турли сабабларга кўра алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида таъминлашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТнинг инсон ҳуқуқлари оид 6 та асосий шартномаси ва 70 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномаларни тан олди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши эса бола ҳуқуқлари оид давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларни белгилашга ҳамда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркин-

ликларини таъминлашга оид ўта муҳим ҳужжатларидан — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустахкамланган нормаларга ҳам таянади.

Шунингдек, Ўзбекистон ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган асосий конвенцияларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Жумладан, 2008 йилнинг 4 апрелида "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги, 2008 йил 8 апрелида эса "Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига қаратилган, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг ўзи мамлакатимизда ёшлар масаласига алоҳида эътибор берилганлигидан далolat беради. Ушбу қонунга асосан ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши

бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат эканлиги мустахкамланган.

Бола ҳуқуқларига доир халқаро ва миллий ҳужжатларни ўзига сингдирган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши эса бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустахкамлади.

Айтиш жоизки, бу қонун ҳужжатлари мамлакатимизда бола ҳуқуқлари кафолати билан боғлиқ миллий қонунчилигимизнинг янада таъминлашига хизмат қилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги "Ота-онанинг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун болалар шаҳарчалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги, 2008 йил 17 октябрдаги "Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорлари, мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашдек масъулиятли ва улкан вазифага, 12 йиллик узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга ва унинг моддий-техник базасини мустахкамлашга ҳамда аввал қабул қилинган умумий миллий дастурларни мантиқий ниҳоясига етказишга "Ёшлар

Сардор КАМАЛОВ,  
Бош прокуратура  
Ички хавфсизлиги таъминлаш  
инспекцияси катта прокурори

йили", "Баркамол авлод йили" Давлат дастурлари доирасида ҳам катта эътибор қаратилди.

Бугун мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган амалий ишлар ва соҳада биз эришган ютуқлар қатор хорижий давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани ҳам сир эмас. Хусусан, Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофазат қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

Ўзбекистон "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустахкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн та мамлакат қаторига киритилгани, яъни 161 та давлат ичида тўққизинчи ўринни эгаллаганини эътироф этиш жоиз.

Президентимиз Ислам Каримов "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тизимини шаклландишга хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўйбга қиқарадиган буюк кучни кўради", деб таъкидлаган эдилар.

Хулоса қилиб айтганда, барча амалга оширилаётган тadbирлар яна бир марта аққол кўрсатиб турибдики, ёш авлод тарбияси доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.

## Иқтисодиётнинг ажралмас бўғини

/Давоми. Бошлангич 4-бетда/

Умуман олганда, фермер хўжалиқлари фаолиятини ривожлантириш уларнинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юртишини таъминлаш, қўшимча тармоқларни ташкил этиш билан боғлиқ тadbирлар давом эттирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар, модернизация ва диверсификациялаш ҳамда мавжуд моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича комплекс чора-tadbирларни амалга ошириш эвазига сўнгги 10 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиш суръати 6,3 фоиз бўлиши таъминланди.

Аграр соҳа ялпи маҳсулотининг таркиби ҳам ўзгарди. Деҳқончиликда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агро-технологий тadbирлар амалга оширилди. Натижада деҳқончилик улуши 2005 йилдаги 55,6 фоиздан 2015 йилда 59,4 фоизгача оширишга эришилди.

Бугунги кунда республикамизда мақбуллаштирилган натижалари бўйича фермер хўжалиқларининг сони жами 101 минг 70 тани ташкил этиб, уларга жами 5 млн. 959 минг гектар, шундан

3 млн. 648,6 минг гектар экин ер майдони бириктирилди.

Дунё аҳоли сонининг шиддат билан ўсаётгани, озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораётган бир пайтда қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тadbирларнинг самарали тизимини яратишнинг ҳаётининг ўзи тақозо этмоқда.

Шу маънода, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ассортиментини кенгайтириш ҳамда сифатини тобора яхшилаш, фермер хўжалиги ерларидан ва аҳоли томирқаларида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш, уларни маблағ билан таъминлаш каби комплекс масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизминини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ умумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари умумдорлигини ошириш, умумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш тadbирлари амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан фермерлик ҳаракатини ривожланти-

риш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш масалаларига доимий эътибор қаратилган.

Хусусан, прокуратура органлари томонидан 2015 йилда маъзур соҳага доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тadbирлари натижасига кўра 1500 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жиддий қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 35 та жиноят иши кўзга-тилди. Ҳуқуқлари бузилган 550 нафар шахснинг, шу жумладан, 503 та юридик шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Назорат тadbирларида таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва тижорат банклари томонидан айрим ҳолатларда фермер хўжалиқларига ажратилган маблағлар, минерал ўғит ва нефт маҳсулотларини ўзлаштириш, мақсадсиз сарфлаш ёки уларнинг қонуний манфаатларини поймол қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилганлиги аниқланди.

Жумладан, Бухоро вилоят "Қишлоқ-хўжалиқимиз" ҳудудий акциядорлик жамиятининг Шофиркон туман филиали мудири З.Раҳмонов ва бошқалар 187 млн. сўмлик минерал ўғитларни талон-торож қилганлиги маълум бўлди. Бу мансабдорлар шартномаларга асосан минерал ўғитларни ташкил бериш ҳаражатлари филиал томонидан қопланиши шарт бўлса-да, 20,3 минг тонна ўғитларни ташиб бе-

ришда асоссиз равишда 609,8 млн. сўм маблағларни фермер хўжалиқлари ҳисобидан ундиришга, уларга етказиб берилган минерал ўғитлар учун 216,2 млн. сўм асоссиз равишда устама қўлланган. Шу билан бирга, бу шахслар 43,4 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлиги учун суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, АТБ "Микрокредит-банк" Учқўрғи филиали мансабдор шахслари "Боғи Абони" фермер хўжалигининг 36 млн. сўм пул маблағларини талон-торож қилишганлиги, "Кўкун дебт базиси" унитар корхонасига қарашли фермерларга ёқилги тарқатиш шохобчаси бош оператори Б.Тоштемиров "Ғанижон ота" фермер хўжалигининг 6,8 млн. сўмлик ёқилги-мўллаш маҳсулотларини ҳужжатларини сохталаштириш йўли билан ўзлаштирилганлиги учун суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

ДТ "Халқ банки" Учтепа филиали бошқарувчиси О.Абдурахмонов Жиззах туманидаги "Элсавар Дийр" фермер хўжалигига ҳисобварақ очиб бермаганлиги ҳамда Тўрақўрғон туман ДСИ бош инспектори А.Эргашев "Асқар-Али" фермер хўжалигининг ҳисоб-қарамига нотўғри инкассация топшириқномаси кўйиб, 425 минг сўм ортиқча солиқ ундириб олганлиги учун суд қарорларига асосан маъмурий жаъобгарликка тортилди.



# Юксак тараққиёт ва фаровонлигимиз кафолати



Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик билан шугулланаман, шу соҳа вакили сифатида юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига ўз хиссамни қўшаман, деган ҳар қайси инсон учун барча қонуний кафолатлар, қулай ҳуқуқий асослар, имтиёз ва энгиликлар яратилган. Бошқача айтганда, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини фаол қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, стратегик мақсадига айланган.

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданок, мухтарам Президентимиз раҳнамолигида хусусий мулкчиликни шакллантириш, кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли тадбиркорлик ҳаракати юртимизда кенг қанот ёзди. Кейинги пайтда ушбу соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонунлар, фармон ва қарорлар Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулотдаги, айна пайтда аҳоли бандлиги масаласини ҳал этишдаги ҳиссасини оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик ҳаракатини янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес субъектларининг фаолиятига асосий аралашувлар, солиқ юки, турли хилдаги руҳсатнома ва ҳисобот турларини камайтириш, текширишлар сонини қисқартиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва қонун-ости ҳужжатлари хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу борада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг йўл очиб берди.

Шу ўриндан Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган куйидаги фикрга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман: "...Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига тааллуқли 40 дан ортқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — хусусий мулк, кичик бизнес эгалари, тадбиркорларимизнинг йўлини янада кенгайтириб берадиган бундай қарор ва тадбирларимизни кўпайтиришимиз ва самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифамизга кириди".

Бугун бир ҳақиқат аёни, айнан хусусий мулк инсонда изланиш, интилиш ва ташаббус уюштириш, эркин ва бадавлат яшаш, шу тариқа мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшиш учун замин туғдиришини даврнинг

ўзи барчамизга исботлаб бермоқда.

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида солиқ ва боғжона тўловлари бўйича қатор имтиёз ва преференциялар берилгани импорт ўрнини босадиган арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш, рақобатдошлигини ошириш, тайёр маҳсулотни чет элларга экспорт қилиш бўйича жуда кенг имконият яратди.

2015 йилнинг 15 май кунини Юртбошимиз томонидан "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг қабул қилиниши хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Ушбу фармонда республикамиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бутунлай бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, янги ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали улушини изчил ошириш асосий мақсад қилиб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат хусусий мулк ва кичик бизнесни ҳимоя қилиш кафолатини мустақамлаб, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, руҳсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш учун асос бўлди. Мазкур фармон ижросини амалда таъминлаш бўйича бугунги кунда соҳага мутасадди бўлган барча давлат идоралари фаол иш олиб бораётгани яхши самара бермоқда.

Ушбу фармонда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "2015-2019 йил-

ларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" республика конференция-семинари бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Божжона қўмиталари раислари ва масъул ходимлари билан тадбиркор, ишбилармонларнинг очик мулоқоти ташкил этилди. Ушбу конференцияда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 300 нафардан ортқ тадбиркор соҳага оид қонунчиликдаги энг сўнгги янгиликлардан ҳар томонлама хабардор бўлишди. Худди шу мавзудаги конференция-семинарлар вилоятларда ҳам ташкил этилиб, уларда давлат органлари билан бундай самарали ҳамкорлик, ўз ўрнида, энг чека кишлокларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига қонуний аралашиларга чек қўйиш, қонунни бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш ва шу орқали соҳа фаолиятини рағбатлантириш эҳтиши жуда катта аҳамият қарб этиши таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда давлат идораларининг масъул ва мутасадди шахслари билан тадбиркор ва ишбилармонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар мустақамлаб бораётганини шахсан мен ўз фаолиятимда кузатмоқдаман.

Сир эмас, авваллари тадбиркорлик билан шугулланадиган юртдошларимиз давлат идоралари ва уларнинг ходимларидан узоқроқ ва четроқда юришга ҳаракат қилишар эди. Ҳозир эса уларнинг бир-бирига ишончи ортиб, ўзаро ҳамкорлиги яхши натижа бераётганини ҳар қандамда кўришимиз мумкин.

Барчамизга маълумки, она юртимиз азал-азалдан моҳир хунармандлар, қўли гул усталар, ишнинг кўзини билган тадбиркорлар диёри сифатида ном қозongan. Юртдошларимизнинг бу ноёб хислати фақат мустақиллик шарофати билан тўлиқ рўёбга чиқмоқда. Ҳозирда кексалик гаштини сураётган биш

улук инсонларимиз собиқ мустабид тузум даврида уйда бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқарган ёки ўзининг қўл меҳнати билан яратган буюмини бозорга олиб чиққан фуқаролар қаттиқ жазага тортилгани, бор мол-мулки мусодара қилиниб, ўзи узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилганини ҳали-ҳануз афсус-надоматлар билан эсга олиб, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етишимиз кераклигини биз — ёшларга қайта-қайта уқтиришди.

Истиқлол йилларида эса аҳвол бутунлай ўзгариб, эндиликда тадбиркорлик фаолиятига асосий аралашган мансабдор шахснинг ўзига нисбатан тегишли чора қўрилиши қонун йўли билан қатъий мустақамлаб қўйилди. Қувонарлиси, мухтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан минглаб тадбиркорлар унумли фойдаланиб, Ватанимиз бойлигига бойлик, қўчига қўч қўйиш ҳамда иқтисодиётимиз раванки ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида таъкидлаганидек, бугунги кунда мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келаятгани ва иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда хизмат қилаётгани, Наманганда эса янги худудий маҳсулотнинг 80 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ишлаб чиқарилаётгани, ишга яроқли бўлган аҳолининг 82 фоизи мазкур тармоқда банд экани бу соҳанинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини яққол тасдиқлаб беради, деб ўйлайман.

Биз ҳам шу йўлда эзгу ниётлар билан 2006 йилда "Istiqol tekstil dizayn" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, ва дастлаб 15 нафар ишчи-ҳодим билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эдик. Аҳолининг сифатли кийим-кечакка бўлган талаб ва аҳтиёжини қондириш, истеъмолчилар эътирофини қозонишни қўзғалаб бошлаган ишимиз айна пайтда яхши самара бермоқда. Хозирги кунда корхонамиздаги 125 нафар ишчи-ҳодимнинг 30 нафари касб-хунар коллежлари битирувчилари бўлган ёши йилит-қизлардир. Қувонарлиси, ўтган йилнинг ўзида 214 миң АҚШ доллар миқдоридаги маҳсулотимизни чет давлатларга экспорт қилишга эришдик.

2011 йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши тадбир-

кор" номинацияси бўйича корхонамиз 1-ўринни эгаллаб, Президентимизнинг махсус совғаси — "Spark" автомобили билан тақдирлангани бизни янги марралар сари руҳлантирди.

2011 йилда давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида корхонамизга ҳам келгани биз учун тарихий воқеа бўлди. Бу кутлуғ қадам нафақат бизнинг, балки вилоятимиздаги барча тадбиркорларнинг эртанги кунга бўлган ишончи янада мустақамлашни, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати ортқишига олиб келди. Ушанда Юртбошимиз амалга ошираётган ишларимиз билан яқиндан танишиб, биз билан дилдан суҳбатлашган, қимматли маслаҳатларини берган эдилар. Жумладан, Наманган шаҳрида дизайн лабораторияси ва мода марказини ташкил этиш тўғрисида берган тавсияларига кўра, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида "Istiqol dizayn markazi" барпо этилди. Бунинг натижасида қўшимча равишда 110 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди. Ҳозирда мазкур дизайн марказида ўзимиздан чиққан ёш дизайнер ва модельерлар янги модель ва бичимларни яратиш, жаҳон андозалари даражасида ҳар хил турдаги кийимларни тайёрлаш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бормоқдалар. Улар яратган дизайн асосида тайёрланган маҳсулотларимизга энг аввало, хориждаги ҳамкорларимиз харидор бўлишмоқда.

Кўп миллатли аҳил жомоамиз қўлга киритаётган ютуқлар замирида, шубҳасиз, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, биз — тадбиркорларга яратиб берилган ҳар томонлама қулай имкониятлар мумассан, албатта. Энг муҳими, одамларимиз ўз ҳаётдан рози, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилишмоқда. Уларнинг дунёқараш, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижаси, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, ижтимоий-сиёсий фаолияти, бурч ва маъсулияти, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси қучайиб бормоқда.

Табиики, биз фақат бугунги жорий вазифаларни бажариш билан кифояланмасдан, шу соҳада дунёнинг ривожланган мамлакатлари, биринчи навбатда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, меҳнат самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, юртимиз раванки ва буюк келажagini таъминлаш йўлида бор қуч-салоҳиятимиз, ғайрат-шижоатимизни сафарбар этиш — бизнинг овоз ва обод Ватанимиз олдидagi юксак маъсулият ва муқаддас бурчимиздир.

**Бахтиёр УМАРОВ,**  
Наманган туманидаги "Istiqol tekstil dizayn" масъулияти чекланган жамияти бош директори

# Қалбаки пул шайдолари

Мамлакатда пул-кредит тизимининг нормал фаолиятига таъсир кўрсатувчи салбий ҳодисаларни бартараф этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Молия тизимининг барқарорлигига таҳдид солиши мумкин бўлган омиллардан бири қалбаки пул ўтказиш билан боғлиқ жиноятлардир. Юртимизда мазкур жиноятлар ўз вақтида аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли жазо тайинланмоқда.

**Ж**умладан, Анвар ўтган йилнинг 11 июнь куни қирақашлик қилиш мақсадида Қорасув шаҳридаги автотураргоҳда йўловчи кутиб турганда қўл телефони жинглик бўлди. У дарҳол кўнгиракка жавоб бериш мақсадида телефон тугмачасини босди.

— Алло, бормисан дўстим, нега мenden қочиб юрибсан, жа-а чўзиб юбординг-ку...

— Э, гапирма, мен ҳам ўша ташвиш билан юрибман, — деди унга кўнгирак қилаётган таниши Қосим ва биров эшитиб қолишдан чўчигандек, секин пичирлади. — "Иш" бугун ҳал бўладиган бўлди.

— Хайрият, — Анвар ўзида йўқ хурсанд эди. — Қачон, қаерда учрашамиз?

— "Товар"ни олгин-да, тез Қўргонтепага етиб кел, яқинлашган менга кўнгирак қил!

Анвар Қосимнинг айтганини қилди. Уйига кирди-ю, шошапиша яширган жойидан қозоғи ўроглик нарсани олиб, "Кобальт"ни туман маркази томон елдирди. Сўхбатдан тахминан ярим соатча вақт ўтгач, кеч соат ўнлардан у манзилга яқинлашди. Қўнгирак бўлди, у тезликни пасайтириб, қўлига телефонини олди.

— Анвар, келгасанми? — бу Қосимнинг овози эди.

— Ҳа, Қосим, мен етиб келдим, қаердасан?

— Айланма ҳаракат ёнида қизил футболкали йигит турибди, исми Фаррух, пулни ўшанга берасан.

Анвар "харидор"ни осонгина топди, афтидан Фаррух ҳам уни кутиб турган экан. У пулни санаб олгач, "манави сизга", деб целлофанга ўралган пуллари берди. Анвар "ҳаллолаб олган" пуллари санаётган вақтда беҳосдан қўлларига келиб тушган темир халқалардан довдираб қолди. Шундан сўнг уларнинг қалбаки АКШ купюраларини хуқуқчи муҳофазат қилувчи орган ходимларига тақдим этишдан бошқа чоралари қолмади.

...Қосим 2014 йили Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига ишлаш учун бориб, ўша жойда наманганлик Аббос исмли йигит билан танишиб қолади ва улар тез-тез учрашиб туришади. Ана шундай учрашувларнинг бирида Аббос Қосимга "яши иш" таклиф этди.

— Мен Наманганга қайтгач футболка ва аёллар кийимлари ишлаб чиқарувчи трикотаж корхонаси очиб, тадбиркорлик қилмоқчиман, — дейди у. — Туғишган опам Унсиний Туркияда яшайди, тайёрланадиган кийимларга у орқали хориж этикеткасини олиб келиш мумкин. Шунда махсулотларимизнинг бозори чаққон, харидор-гир бўлади.

— Менга қандай иш таклиф қилмоқчисиз?

— Мен Туркиядан депортация бўлганман, у мамлакатга мени киритишмайди, шунинг учун сиз бориб келсангиз, дегандим.

— Мен... ахир, тилин билмасам, аввал бормаган бўлсам, адашиб қолмайманми у ёқларда?

— Хе, нималар деясиз. Опамнинг ўзи сизни аэропортда кутиб олади, адашиб қолиш-

ни хаёлингизга ҳам келтирманг. Дарвоқе, ёдимдан кўтарилибди, ушбу "бизнес" учун сиз ҳам пул тикасиз. Шериклиكنинг шарти шунақа бўлади, тўғрими? — Аббос Қосимга бир назар ташлади.

— Қанча пул қўшишим керак?

— Беш минг АКШ доллари.

— Менда унча пул йўқ.

— Пул ҳозир қимда ортиқча

экан, ҳаммамизга ҳам пул керак. Топасиз-да энди, бордин таниш-билишлар, қариндошлар, бериб туришар, бир ойга қолмасдан қарзингизни тўлайсиз. Тушунишар ахир.

Қосим шартга кўнгандай бўлиб, Аббос билан хайрлашди. Уйига боргач, узоқ ўйланиб бир қарорга келди. "Бу жойда ҳар хил майда-чўйда ишларни қилиб юргандан кўра, савдогарларга ўхшаб, покиза кийиниб, юрт кезиб, пул топсам, яхшику". Эртасигаёқ у Аббос билан учрашиб, шартга розилигини билдирди.

2014 йилнинг 5 сентябрь кунини Қосим эски таниши Аббос сотиб олиб берган авиачипта билан Истанбул шаҳрига учиб борди, уни аэропортда Аббоснинг ораси Унсин кутиб олди ва уйига олиб кетди. Таомилга кўра, бир неча кун меҳмон қилди. Қосим ёнидаги икки минг долларни Унсинга берди. Орадан бир неча кун ўтгач, икковлон бозор ва дўконлардан турли этикеткаларни сотиб олишди. Қосим Ўзбекистонга қайтишга тайёргарлик қўраётганида Унсин Наманганга "почтаси" борлигини айтди.

— Опа, яна қанақа "почта"?

— Қосим хайрон қолди.

— Пул олиб кетасиз.

— Пул бўлса, мени овора қилмай, банк орқали жўнатмайсизми, ишончи ва тез...

— Йўқ, бу оддий пуллар эмас, бошқа одамнинг пуллари, қалбаки.

— Ҳазиллашасизми, опа?

— Нега ҳазиллашаман, тўғриси ҳам шу.

— Аббос менга бу ҳақда айтмаганди. Бунга рози бўлмайман.

— Бундан бошқа чорамиз йўқ. Сиз танишларингизга кўнгирак қилиб, яна 5 минг доллар жўнатишларини сўранг.

— Опа, 5 минг доллар пул йўқ, тўғри тушуниг.

— Ҳўп, ҳеч бўлмаса 4 минг жўнатишсин.

Қосим Туркиядан Қорасувга, ошниси Музробга кўнгирак қилиб, иложи бориша тезроқ 4 минг АКШ доллари пул жўнатишини илтимос қилади.

Музроб Туркияга жўнатган 4 минг АКШ долларини Қосим олиб, банка бирга берган Унсинга берди.

— Қосимжон, энди сиз Ўзбекистонга жўнайсиз, "товарлар"ни Наманганга олиб бериб, укаларини Аббос ва Аъзамга берсангиз, менга берган 6 минг долларингизни сизга қайтаришди.

Шундан сўнг улар иккита сумкага этикеткаларни жойлашди. Бундан ташқари, Қосим 27 сентябрь кунини Туркияда тайёрланган қалбаки 10 минг АКШ долларини бохжона назоратидан яширган ҳолда республикамиз ҳудудига олиб қайтди.

Наманганда уни Аббос кутиб олади ва почтаси Охун

**Хусанжон ЮСУПОВ,**

Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

зига кийим-кечаклар ва қалбаки 50 минг АКШ доллари бериб юборишини айтади. Қосимнинг Ўзбекистонга қайтиши учун авиабилетни тошкентлик "бемор" таниши Фуқат Тошкентда туриб олиб беради. Бу сафар у Истанбулдан Олмаотага учди ва Ўзбекистонга келгач, тўғри наманганлик танишлариникига йўл олади. Наманганда у яна келиша олмайди ва "товарлар"ни олиб, уйига жўнайди.

2014 йил 28 ноябрь кунини Тошкентдан Фуқат Қосимга кўнгирак қилиб, пойтахтга етиб келишини сўрайди. Қосим ҳеч иккиланмай ёнига сохта 50 минг АКШ долларини солиб, Тошкентга етиб келади ва Юнусобод бозори ёнида Фуқат билан учрашади. Узаро сўхбат асосида Фуқат сохта 50 минг долларни 37 минг долларга алмаштириб беришини айтади. Рози бўлган Қосим "товар"ни унга топширади. Чойхонага кириб кетган Фуқат ҳадеганда чиқавермайди. Чорак соат кутгач, Қосим уни қидириб чойхонага қиради ва орқа томондаги эшикни кўриб, Фуқат уни чўз тушириб кетганлигини англайди. Кўнгирак қилса, Фуқатнинг телефони ўчирилган бўлади.

Ноилож ортга, Қорасувга қайтган Қосим 2015 йилнинг февраль ойи бошида ва апрель ойида яна икки бор Туркияга сафар уюштиради. Биринчи сафар "қурук" қайтади. Иккинчисиде эса Туркиядаги "хомий" Унсин 3 минг асл АКШ доллари эвазига 20 минг қалбаки доллар билан "сийлашди".

Сохта долларларини Андижонда ҳақиқийсига алмаштиришга кўзи етмаган Қосим Наманганга, Унсиннинг кўеви, яъни синглисининг эри Охуннинг уйига боради. Улар қўнган сохта АКШ долларини эса республикамизнинг турли бозорларида ўтказиб, уларни ҳам ҳақиқий банкнотларга айлантириб олишга эришадилар.

Икковлон сохта АКШ долларларини улғуржи ўтказма олмача, "чакана" савдо орқали "иш" қилишади. Ошхона, қассобхона ва савдо дўконларида ўтказиб, уларни ҳам ҳақиқий банкнотларга айлантириб олишга эришадилар. Алмаштиришнинг иложи бўлмай қолган пулларнинг бир қисми Охунда қолади. Қорасувда Қосим ихтиёрида бўлган сохта 10 минг 200 долларнинг тақдирини ҳақида ушбу мақоланинг бошида тўхталдик.

Бир сўз билан айтганда, асли наманганлик, Туркия давлатининг Истанбул шаҳрида яшаб келаётган Унсин Раҳимов ва бошлиқ жиний гуруҳ Туркиядан терговда аниқлаш имкони бўлмаган йўллар билан тайёрланган қалбаки чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига қайтаришнинг йўллари билан олиб кириш ва биргаликда ўтказиш билан шуғулланган. Хуқуқчи муҳофазат қилувчи органлар ходимлари томонидан мазкур жиний гуруҳнинг қилмишлари фош этилди. Улар республикамиз ҳудудида умумий қиймати 80 минг АКШ доллари миқдоридаги сохта банкнотларни киритиш ва ўтказиш билан шуғулланишган.

Суд жиний гуруҳ аъзоларининг қилмишларига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Ўғирликнинг тури кўп экан. Айниқса, ўғирлик жинояти содир этилишида "ўғри" дея ном олган қим-салар турли усул ва услублардан фойдаланишаркан. Фахридин Дадажонов муқаддам жазони ўтаб, ҳалол меҳнат қилишга бел боғлайди. У танишин Маҳмуд Мирсаидовнинг "Cobalt" русумли автомашинасини ишончнома асосида расмиёлаштириб, қира қилиб пул топмоқчи бўлади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай шайтон уни яна йўлдан уради. Қўнларнинг бирида у оғайнилари Акмалжон ва Бахтиёр билан кўришни қолади.

## Тезда фош бўлган ўғирлик

**Абдураим АБДУНАБИЕВ,**  
Ангрен шаҳар прокурови

— Йигитлар, бирон-бир даромадли иш қилмайсизми? — дея гап бошлади Фахридин.

— Бир таклиф бор, қабристонга бораёйлик биз учун "хомий" бор. — деди дадил оҳангда Бахтиёр.

Шундай қилиб, йигитлар ўзаро тил бикирибди, 2015 йил 31 июль куни туш вақтида Ангрен шаҳар Красно-



Горск қўргонинда жойлашган "Чавлисой" қабристонини яқинида турган Фарида Рискйбаевага тегишли бахоси 1 млн. 500 минг сўмлик бир бош қора молни Фахридин Дадабаев бошқарувидаги "Cobalt" русумли автоуловининг юкхонасига жойлаштириб, воқеа жойидан яширинадилар.

Уша кунини Фарида Рискйбаева молининг йўқолиб қолганлиги тўғрисида туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилади. Унинг аризаси юзасидан тергов ва суриштирув ишлари бошланади. Ўғирлар тезда топилди.

Одил суд ўз ҳукмини эълон қилди. Мазкур жиноят иши юзасидан Фахридин Дадажонов, Акмалжон Раҳимов ҳамда Бахтиёр Воҳидовлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, тегишли жазо тайинланди.



# Оқибатсиз қондош

## ЁХУД УКАСИНИ СОТГАН АКА

2009 йилдан буён Қозғистон Республикасида ишлаб, тирикчилик қилиб келаётган Мадраҳим Нодиров кейинги вақтларда топганига қаноат қилмай қўйди. Қандай бўлмасин, кўпроқ пул топишнинг йўллари излай бошлади. Ўтган йиллар мобайнида қозғистонлик икки-уч одам билан танишиб, ўзаро ошна-оғайничиликни йўлга қўйганди. Агар шундан "йўлини топиб" фойдалана олса, ишламаса ҳам мўмайгина даромадга эга бўлади. Бироқ бунинг учун ишга келмоқчи бўлганларнинг ҳам ишончини қозониш керак. Унинг хаёлидан ана шундай фикрлар ўтди.

2014 йилнинг май ойида Косон туманининг Янгибод маҳалласида Мадраҳим Нодиров одамларни Қозғистон Республикасида — ойлик маоши 300 АҚШ доллари бўлган ишга чақираётганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалади. Дарҳақиқат, Мадраҳим телефон орқали дастлаб укаси Акмал Нодиров, жиянлари Жамолддин Миркуётов, Бобир Жумакулов ва қўшниси Элёр Тоғаевни "Яши иш бор, маоши ҳам юкори", дея алдаб, уларни Қозғистонга чақиради.

26 май куни йўлга отланган йигитларни чегара ортида Мадраҳимнинг ўзи кутиб олади ва уларни Чимкент вилоятида яшовчи Фарход исмли танишининг уйига олиб боради. Фарходнинг уйида йигитлар оғзаки келишув асосида ишлаб бошлашади. Шу орада Мадраҳим Косонга — маҳалласидаги танишларига кўнгирак қилиб, иш борлиги тўғрисидаги тарғиботини давом эттиради. 2014 йилнинг 6 июнь куни яна бир гуруҳ маҳалладош йигитлар — Шерзод, Жамшид ва Бекзод Ризаев, Мухиддин Раҳмонов, Элёр Гадовев ишлаш мақсадида Қозғистон Республикасига отланишади. Манзилга етгач, йигитларни қозқ миллатига мансуб Эдод исмли шахс кутиб олиб, уларни ҳам Фарходнинг уйига бошлаб боради.

Эртаси куни Фарход йигитларга ишни далага чиқиб, доривор ўсимликлар томирини теришдан бошлашни айтади ва уларни Чув тумани томон олиб кетади. Бу ерда йигитларга Дўстжон исмли

Акмал САЙФИДИНОВ,  
Қарши туман прокурори  
Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Huquq»

шахс бошчилик қилади. Дўстжон вақтинча рўйхатга қўйиш баҳонасида ишни йигитларнинг фуқаролик паспортларини йиғиб олишдан бошлайди. Кейин эса уларни Эржонга топширади. Йигитлар 300 АҚШ доллари илжинида жазирама иссиққа бардош бериб, астойдил меҳнат қилишади. Бироқ негадир ой тугаса-да, маошдан дарак йўқ эди. Бу орада иссиқ таъсир қилиб, Шерзод Ризаевнинг тоби қочади ва пулини олишни укаларига тайинлаб, ўзи уйга қайтади. Маошдан дарак бўлавермагач, йигитларнинг ишдан қўли совиб бошлади. Бир сафар Мадраҳимнинг укаси ва жиянлари маош талаб қилишганида Эржондан "Сизларни Мадраҳимдан катта пулга сотиб олганман" деган гапни эшитишадими, ҳайратдан ёқа ушлашади. Наҳотки ўз жигари уларни пул эвазига сотиб юборган бўлса!

Шундан сўнггина ука ва қариндошлар, маҳалладош йигитлар Мадраҳимнинг алдовлари қурбони бўлишганини тушунишади ва йигитлар бу ҳақда уйдагиларга билдиришади. Шерзоднинг акаси Раҳим Ризаев Мадраҳимга кўнгирак қилиб, ундан йигитларни ортага қайтаришни талаб қилганда ўзга юртда юрган маҳалладошлар бошига яна қандай савдолар тўшарди, ким билсин!

Мадраҳим Эржон билан учрашиб, йигитларни уйларига қайтаради. Аммо уларнинг ишлаган икки ойлик, жами 5400 АҚШ доллари миқдоридagi иш ҳақларини беришни пайсалга солади. Йигитлар маошларини ололмагач, устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади.

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани суди Мадраҳим Нодировга мажбурият қилишнинг учун 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Инсонпарварлик тамойилига қўра, унга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, тайинланган жазо муддати ундан бир қисмга қисқартирилди. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарини ундириш тўғрисида ҳам ҳукм чиқарилди.

Ақли бутун, нафсинг қўйига тушмаган, меҳнатсевар киши тирикчилик тегирмонини ҳалол йўл билан юргиза олади. Енгил-елпи пул топиш илжинида ўзи яшаб турган худуддан четга, яъни кимдир Россия Федерациясига ёки бошқа хориж давлатларига чиқиб кетаётгани бор ҳақиқат. Ангор туманида туғилган Фарход Пулатов ҳам пул топиш мақсадида узоққа эмас, пойтахтга отланди. Икки-уч кун Тошкент кўчаларида тенгираган Фарходга ҳеч ким "мана иш, мана бу маош" деб тақдир қилмади. Мардикорлик қилиб бўлса-да, пул топаман деб уйлаган йигитнинг "тарвузи қўлтиғидан тушди."

# Ёмон ниятли йўловчи

Ботир СУЛТОНОВ,  
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Фарход "Бек Барака" гавжум бозор, балки иш топилиб қолар", деган умид билан атропога назар ташлади. Бир хаёли уйига — Сурхондарёга қайтмоқчи бўлиб, таксилар тўхташ жойига келди. Аини ўша жойдан Хоразмга кетаётган таксилардан бирига 3 та розга пакетларга солинган пуллари бераётган кишига қўзи тушди. "Пул!" мясига келган биргина шу сўз уни бир зумда ақлдан мосуво қилиб, нафсинг йўриғига туширди. Хоразм вилояти йўналиши бўйича кетаётган такси ҳайдовчиси И.Сабиров билан йўл ҳақини келишиб ҳам ўтирмай машинага ўтирди. Йўл-йўлакай қабиҳ жинояти режасини тузиб бораётган Фарход ҳамроҳларига лом-мим демай хаёл суриб борарди. "Қандай қилиб машинани олиб қочсам экан. Пуллари олиб "Нексия"ни бирор овлоқ жойга ташлаб кетардим". 2015 йил 11 сентябрда Тошкентдан Хоразм томон йўлга чиққан такси кеч соат 23:00 ларда Жиззах вилояти худудига кириб келди.



— Овқатланишни истаганлар тушсин, — деди ҳайдовчи.

Ҳамамушага чоғланди. Бироқ йўловчилардан бири овқатланмаслигини айтиб қолди. Бу Фарходнинг режасини бузди.

— Бу ёғи поста яқин қолди, — ҳайдовчининг бу гапидан Ф.Пулатов ҳушёр тортиди. Навоий вилоятида ҳам жиноятчига омад қилиб боқмади. Ромитан туманидаги "Ғузур-Нукус" йўналишидаги метан газ қўйиш шохобчасидан автомобилга ёқилги қўйган ҳайдовчи телефон орқали гаплашар экан, ўзини олдинда нималар кутаётганидан беҳабар эди.

— Почтангми олиб келаяпман. Мана, Бухородан ҳам ўтдик, — деди телефондаги суҳбатдошига И.Сабиров.

"Манзил яқин қолибди. Демак, биз Хоразмга етиб келибмиз", деган хаёлга Борган Ф.Пулатов олдиндан олиб қўйган хўжалик пичоғи билан ўнг ва чап томонда уйқу аралаш мудраб келаётган йўловчи шерикларига ташланди. Қўтилмиганда рўй берган ҳодиса ҳайдовчини ҳам, олдиндаги ўриндиқда ўтирган кишини ҳам гангитиб қўйди. Орқа ўриндиқдан туриб уларга ҳамла қилган жиноятчи бир зумда "Нексия" рулига ўтирди. Қилган қилмишини хаспўшлаш, тезроқ бу худуддан қочиб кетишни уйлаган Ф.Пулатов тезликни оширди. У қўриган ҳар бир автомобил уни таъқиб қилаётгандек туюлгани боис бошқарувида бўлган машинани газ қувурига олиб бориб урганини пайқамай қолди. Аммо баргикенг, яхшилик истайдиган кишилар унга ёрдам беришди. Машинани эса ўша ёрдам берган одамлар уйда қолдириб, пакетлардаги 80 миллион сўмдан ошиб, босқинчилик йўли билан топган пуллари олиб, Зиёдулла ака деган фуқаро билан Бухоро шаҳрига қараб йўлга тушди. У ҳамроҳи ички ишлар тизимида чиққани нафақага чиққани эшитгач, йўлда ҳеч ким автомашинани тўхтастаслигига ўзини ишонтирди. Аммо касбига содик, бурч масъулиятини

унутмайдиган одамлар орасида яшаётганлигини унутган Ф.Пулатов "сафари қариған"лигини англамаётган эди.

Ҳушёр ва оғоҳ одамларнинг нигоҳи ўткир бўлади. Улар кўнгли тоза, самимий инсонни ҳам, нияти нопок, қилмиши қора шахсини ҳам бир қарашда билиб олишади. Қарама-қарши йўналишида келаётган йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари машинани кўрган жиноятчи ҳамроҳи юзидаги қатъиятнинг кўриб гап нимадаллигини билганида кеч эди. Бир эмас, тўрт кишининг ҳаётига қасд қилмоқчи бўлган Ф.Пулатовга нисбатан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди томонидан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Илҳом Эргашев, Пулат Нарзиқулов ва Хуршид Ботировларнинг ўтмишига назар солган киши уларнинг аллақачон жиноят кўчасига кириб улуғранияга амин бўлади. Чунки, уларнинг ҳар бири содир этган жиноятлари учун бир неча марта судланиб, жазога тортилган. Лекин бу жазолар уларнинг тўғри йўл топишига туртки бўлмаган кўринади. Акс ҳолда улар яна жиноятга қўл урмаган бўлишарди.

"Қахрамон"ларимиз меҳнат қилиб, даромад топиш ниятидан узоқроқ эди. Шу сабаб қаердандир мўмай даромаднинг ҳиди чиқса, улар шу томонга интилишарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Бирор ишнинг бошини туттишга бўйни ёр бермаган бу учала йигит осон пул топишга аҳд қилишди. Лекин уларнинг ҳеч бири қилаётган ишлари жиноят эканлиги, бугун бўлмаса эртага бунинг учун жавоб бериш кераклиги ҳақида уйлаб ҳам кўришмади.

Улар келишган ҳолда тунги вақтда Ховос сигнализация ва алоқа дистанциясига қарашли 804 минг сўмлик 1,4 километр узунликдаги алоқа симларини

қирқиб олиб, Пулатнинг "Ваз-2101" машинасига ортиб, воқеа жойидан яширинишди.

Бу билан қаноатланмаган йигитлар йигирма кундан кейин яна шу худудда пайдо бўлишди. Бу сафар уларнинг «иштахаси» очилди кетди. Бунинг натижасида умумий баҳоси 4 млн. 599 минг сўмлик алоқа симларини гўмдон қилишди.

Йигитларга алоқа симларини ўғирлаш маъқул келиб қолди, шекилли, ўн кундан кейин яна келган жойларидан ишларини давом эттиришди. Бу сафар шоввозалар 4 млн. 858 минг сўмлик алоқа симларини ўғирлаб кетишди.

Жиноий гуруҳ аъзолари йўлаб кўришса, ўғирланганидан нарсалар жуда кўп экан. Шу боис, улар бу сафар сим ўғирлашдан воз кечиб, Жиззах туманидаги "Қахрамон" маҳалла-

қилишди. Бу ердан 840 минг сўмлик икки дона акфа пластик ромларини ўғирлаб, жуфтани ростлашди.

Юқоридаги қилмишларнинг ўз вақтида фаш этилмаслиги ўғирларга янада қўл келди. Шу боис, улар жиноий фаолиятларини давом эттиришди. Бу сафар улар Жиззах туманидаги "Кўш кўприк" маҳалласида яшовчи фуқаро М.Оқбўтаевнинг гўшт дўконига келишди. Улар бу дўконда "пул бор" деб адашишган эди. Шундай бўлса ҳам "қуруқ қўл" билан кетишни лозим топишмади. Дўкондан электрон тарози, болта ва акфа пластик эшикни ўғирлаб кетишди.

Шундан сўнг улар фуқаро Б.Каримовнинг ҳовлисида 4 дона 8 метрли турбаларни, фуқаро М.Саъдуллаевнинг уйи


Ҳабибулла ТУРГУНОВ,  
Жиззах вилоят прокуратурининг  
катта ёрдамчиси

олдидаги озиқ-овқат дўконидан эса электрон тарози, телевизор, колбаса, пишлоқ, турли ширинликлар ва 70 минг сўм пул маблағларини ўғирлашди.

Жиноят исзис бўлмади. Олиб борилган суриштирув ишлари давомида Илҳом ва Хуршиднинг уйдан ашёвий далиллар топилди.

Ўғри йигитлар суд ҳукми билан турли йилларга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, улар етказган зарар солидар тартибда қопланадиган бўлди. Жиноят қуроли сифатида фойдаланилган Пулат Нарзиқуловга тегишли "Жигули" автомашинаси эса давлат фойдасига ўтказилди.

# Уч оғайни ўғрилар



си худудига йўл олишди. Уч шерик қоронғилиқдан фойдаланиб шу маҳалладаги фуқаро Н.Дўсмуродовга тегишли қурилиши тугалланмаган уйга



Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шу боисдан Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида ислохотлар изчилик билан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ўтган 2015 йил тадбиркорлар учун жуда ҳам самарали йил бўлди. Бунинг тасдиғини ўтган йилда қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

## Тадбиркорликка кенг имкониятлар

Давлатжон ИМИНОВ,  
Олтинқул туман прокурори

Хусусан, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва мазкур фармон доирасида 2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроекотсодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарориغا асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловлар ставкалари пасайтирилди. Қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Шу маънода, туман прокуратураси томонидан ҳам тегишли идоралар масъул ходимларини жалб қилган ҳолда ва туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида солиқ ва бюджет сибсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан келиб чиқиб солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини атрафлича тушунтириш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктта пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктта пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Қайд этиш жоизки, ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига ушбу микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида жорий йилда 58,4 миллиард сўм маблағ қолиши kutilмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғининг регрессив ставкасини қўллаш тартиби, яъни экспорт улushi сотилинган умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга, 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда ставка 50 фоизга пасайтирилиши 2016 йилда ҳам сақлаб қолинди.

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим имтиёзлар муддати узайтирилди. Жумладан, но-оziк-овзат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар амал қилади.

Қонунчиликка киритилган ўзгаришларга мувофиқ, автомобиль транспортти соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимлар сонини 25 нафардан 50 нафаргача оширсан, кичик бизнес субъектларига берилган имтиёз ва энгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ, шунингдек, алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини сотувчи корхоналар учун 2016 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови ставкаси унификация қилиниб, товар айланмасига нисбатан 4 фоиз миқдоридан белгиланди.

Ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдоридан белгиланди. Бунда 2016 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги "Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши тартиби жорий қилинди.

Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2015 йил даражасида ўзгаришсиз қолдирилди. Мазкур солиқ ставкаси йил бошида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилмайди.

Солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш мақсадида 2015 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сибсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 39 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Давлат солиқ хизмати органига камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилди.

# Асосий мақсад — аҳоли саломатлигини сақлаш

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган сайй-ҳаракатлар босқичма-босқич, тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Айниқса, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг тубдан яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражасининг юксалишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида аҳолининг ўртача умр кўриши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайгани юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш бўйича олиб борилаётган оқилona сибсатининг ҳаётий самарасидир. Қолаверса, ҳар бир йилга мамлакатимизда яхши анъана ва одатга айланиб қолган тахриба асосида ном бериш ва бу бўйича қабул қилинган давлат дастурлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сийхат-саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг Юртбошимиз Ислоом Каримов томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши ушбу соҳадаги ислохотларнинг тартиқий давоми бўлди.

Мамлакатимиздаги фуқароларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш эвазига турли хил касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш ишларини ташкил этиш ишлари йилдан-йилга такомиллаштирилиб, сифат жиҳатидан янада яхшилаб борилмоқда. Бу жараёнда аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳам ана шу ислохотларнинг ажралмас қисмига айланди. Соҳанинг қонуний асосларини мустаҳкамлашни эса тезкор ривожланиб бораётган бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур тизимдаги фаолиятлар жорий йилнинг 5 январига қадар амалда бўлган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солиб келинмоқда эди. Ушбу қонун 1997 йилда қабул қилинган вақтда республика-мизда атиги 2 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, 30 га яқин турдаги дори воситасини ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда 117 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 1655 турдаги дори воситаси, 175 турдаги тиббий буюм ва 44 номдаги тиббий техникалар ишлаб чиқаришмоқда. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда дори воситалари сифатини назорат қилиш тизими яратилган бўлиб, уларнинг тартибидан 8 та тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур қонун билан республика-мизда фармацевтика саноатининг ривожланишига асос солинди. Лекин жаҳонда ва юртимизда фармацевтика соҳасининг жадал ривожланиши 1997 йилда, яъни аввал қабул қилинган Қонуннинг бир қатор нормалари бугунги кун талабига жавоб бермаётганлиги унинг айрим нормаларини сезиларли даражада янгиланиши тақозо қилди. Жумладан, аввалги тахрирда мавжуд бўлган айрим тушунчаларнинг амалиётда қўлланилмаётганлиги ҳолатлари кузатилаётган эди. Бугунги кунда дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини мувофиқлаштириш босқичида Вазирилар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириб келинаётган бир қатор нормалар ҳам ўз аксини топмаган эди. Шунингдек, баъзи моддалар халқаро стандартлар талабига мос келмас эди. Ушбу масалалар инобатга олинди, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди ва 2016 йил 5 январда матбуотда эълон қилинди.

Мазкур янги қонунни тайёрлаш жараёнида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартлари, ривожланган хорижий давлатлар қонунлари таҳлил этилди ва мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш бўйича тахрибалар ўрганилди.

Шунингдек, янги қонунда Вазирилар Маҳкамасининг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолиятидаги ваколатлари янада кенгайтирилди. Хусусан, қонуннинг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари доирасида бу соҳадаги ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва амалга ошириш, тегишли ҳудудлардаги давлат даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолини дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлашда иштирок этиш қабилар белгиланди.

Аввалги қонунга асосан дорихоналарни фақатгина олий маълумотли фармацевт бошқаришига рухсат бериларди. Бугунги амалиётдан келиб чиқиб, дорихона филиалларини олий ёки ўрта махсус маълумотга эга фармацевт ҳам бошқариши мумкинлиги ҳақида меъёр киритилди. Бу тиббиёт коллежларининг фармацевтика йўналишларини битираётган минглаб ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, дори препаратлари йўриқномаларига риоя этилмасан организмда ноҳужая таъсирлар юзага келади. Бундай ҳоллар баъзан ногиронликка, ҳаттоки ўлимга олиб келиши мумкин. Таҳлилларга кўра, дунё бўйича дори воситаларига ноҳужая реакциялар натижасида юзага келадиган ўлим ҳолатлари юрак, қонтомир, саратон, сил касаллик-

Отабек МИРЗАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурдаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари мониторинги  
институтини бош мутахассиси

ларидан кейин тўрттинчи ўринда туради.

Ушбу фаолиятнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида қонунчиликка "ноҳужая реакция" тушунчаси киритилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситаларининг ноҳужая таъсирини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш вазифаси юкланди. Бу соғлиқни сақлаш тизимида, соҳага алоқадор барча юридик шахслар билан қонуний иш олиб бориш, ноҳужая реакцияларни ўз вақтида аниқлаш ва инсон саломатлигини сақлаш йўлида тегишли қарорлар қабул қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг 23-моддаси дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш қодаларини ҳам ўз ичига олган. Ушбу қонуннинг киритилиши дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилинишига бўлган талабларнинг кучайтирилганлигидан далолатлар.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 25-моддасида жисмоний шахслар томонидан дори воситаларини ва тиббий буюмларни агар улар: мамлакатда бўлиш даврида жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ва унинг ҳудудидан ташқарида яшаб турган бе-морни даволаш-профилактика муассасаси томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатма асосида, даволаш курси доирасида даволаш учун мўлжалланган бўлса;

дипломатик ваколатхоналарнинг ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган ёки унинг ҳудудидан чиқиб кетаятган транспорт воситасининг йўловчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ва тиббий до-рилар қўтичаси таркибига киритилган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказмасдан ҳамда божхона расмийлаштирувисиз олиб кириш ва олиб чиқишга рухсат берилиши белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга, соғлом авлодни тарбиялаш, хавфсиз ва самарадор бўлган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар таъминотини кенгайтиришга хизмат қилади.



«Мўйна саноати»даги қинғирликлар

Хуршид БОЙМИРЗАЕВ, СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бўлими катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш, кўшимча иш ўринлари яратиш асосида солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортишнинг каналларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, хуфиена иқтисодиётга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, фуқаро Наима Қобулова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) Янгийул туманидан рўйхатдан ўтиб, «Мўйна саноати» масъулияти чекланган жамияти ташкил қилади. Аввалига қонунлардан оғишмай фаолият олиб борган Н.Қобулова орадан маълум вақт ўтган, жамиятни боши берк кўча томонга буриб юборади. Дастлаб у жамиятга тегишли бўлган маҳсулотларни номиаълум фуқароларга нақд пулга сотиб юборади. Савадан тушган 218 млн. 900 минг сўмдан ортиқ пуллари эса назорат-касса машинасида ўтказмайди ва жамиятга хизмат кўрсатувчи банкка ҳам топширмайди. Натijaда ушбу савдо бўйича давлат бюджетига тўланиши керак бўлган 65 млн. 880 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар жамият рақбарининг «саъй-ҳаракат»лари билан тўланмай қолади.

Шунингдек, МЧЖнинг 2014 йили молиявий фаолияти яқини бўйича улгуржи савдо фаолиятидаги ялли тушум микдори 99 млрд. 270 млн. 909 минг сўмни ташкил этган бўлса-да, Н.Қобулова ушбу тушумни 98 млрд. 172 млн. 199 минг сўм қилиб қўрастиб, ҳисоботга киритади ва уни солиқ идорасига тақдир этяди. Бунинг натижасида эса, давлатга тўланиши керак бўлган 54 млн. 935 минг сўмлик солиқ тўловлари тўланмайди.

Нафсининг йўриғига юриб, ноқонуний ишларга муқассидан кетган Н.Қобулова энди экспортдан келиб тушаётган валюталарни ҳам ўзи билганича тасарруф қилади. Аслида юртимиздаги қонун ҳужжатларига кўра, экспортдан келиб тушган валюта қимматликларининг маълум бир қисми ваколатли банкларга мажбурий сотилиши керак эди. Лекин жамият рақбари буни билган ҳолда сотувдан келиб тушган 51 млн. 361 минг АҚШ долларидан ортиқ маблағларни яширади. Натijaда 2014 йилда 19 млн. 867 минг, 2015 йилда 7 млн. 560 минг АҚШ долларининг мажбурий сотуви амалга ошмайди.

Ўз қинғир ишларини яшириш мақсидида Н.Қобулова МЧЖнинг катъий ҳисобда турган бухгалтерия ҳужжатларининг бир қисмини ҳам йўқ қилиб юборади. Ноқонуний иш бир кун келиб ошкор бўлиши тайин. Шундай ҳам бўлди. Текширишлар жараёнида Н.Қобулованиннг ҳар бир бошган ноқонуний қадами фош бўлди. Суд унинг қилмишларига яраша ҳазо тайинлаб, ҳукм чикарди.

Яширин цехдан чиққан маҳсулот

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилиб, улар манфатини ҳимоялашга қаратилган қонун ҳужжатлар йил сайин такомиллашиб, соҳа вакилларига янада кўпроқ имконият яратиб берилмоқда.

Бироқ бундай имкониятларни суиистеъмол қилиб, ноқонуний йўл билан даромад топиш ялинжида бўлган шахслар, аввало, фуқароларимиз соғлиғига, ҳалол меҳнат қилиб, халқимиз дастурхонини тўкин қилаётган тадбиркорларга ҳамда давлат бюджетига зарар етказмоқдалар.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш борасида СВОЖДЛКК департаментининг Учтепа туман бўлими ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги «Элга хизмат» МЧЖда сотувчи бўлиб ишлаб келган фуқаролар Олим Одилов, Мансур ва Расул Акромовлар (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ана шундай «ишбилармон»лардан экан.

Улар ташкил этган цех кўздан кечирилганда, ушбу жой санитария ва гигиена қоидаларига умуман жавоб бермаслиғи маълум бўлди. Шунингдек, ашёвий далил сифатида олинган товуқ гўштлари Давлат санитария-эпидемиология назорати Марказининг хулосасига кўра, истеъмолга яроқсиз экан. Гўштарлар касаллик тарқатувчи бактериялар борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди ўз ҳукмини эълон қилди. Судланувчилар қилмишларига яраша қонуний жазоларини олашди.

Саидқабар АБДУКАДИРОВ, СВОЖДЛКК департаментининг Учтепа туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Бозор иқтисодиёти жараёни ўз билганича иш тутиш ёки қайси йўл билан бўлмасин, маҳсулот ишлаб чикариш дегани эмас. Яширин ишлаб чикариш билан шуғулланувчи фуқароларнинг ноқонуний фаолиятига эрта-ми-кеч барибир барҳам берилади. Бир иш қилишдан аввал фақат мўмай даромад топишни эмас, балки халқимизни ҳам ўйласак, сира кам бўлмаймиз. Қолаверса, қонунга итоат этиб, ҳалол меҳнат қилаётган тадбиркорларгина ўз ишидан барака топади.

Барчамиз таълим-тарбия берган ўстозларимизни миннатдорлик билан ёлга олаимиз. Ҳақиқий ўстоз нафақат илм-фандан, балки ахлоқ-оаоддан ҳам сабоқ беради. Шогирдалари назидида билимдонлик, ҳақгўйлик, оилалик тимсоли бўлиб кўринади. Ўқувчи-талабаларга ҳар жабҳада ибрат бўлиб, эзгу инсоний фазилатларни синглириб боради.

Нафс гирдоби

Ўткир ҲАШИМОВ, СВОЖДЛКК департаментининг Фаргона вилоят бошқармаси катта суриштирувчиси

Бироқ, беш қўл баробар бўлмагани каби, нопок ишларга қўл урган ўстозлар ҳам учрайди. Бахтиёрхон Солиев эллик ёшни қоралаган. Тўрт йил аввал Кува туман тиббиёт коллежидиректори лавозимига тайинланди. Аввалига бийойидек ишлаб келаётган раҳбар нима бўлди-ю, айниди. Махлиёхоннинг жияни тиббиёт коллежиде ўқирди. Унга ҳавас қилиб қизини ҳам шу соҳада ўқитмоқчи бўлди. Аёл коллежга бориб, танаффус пайти жиянини топти. Жияни коллеж директорининг ҳузурига бошлади. Махлиёхон у билан ҳоли гаплашди. Шартига кўниб, айтганига келишди.

Уша қуллари фуқаро У.Ҳамидова ҳам коллежга ташриф бурорди. Дарвозахона ёнида лаборант бўлиб ишловчи Улфатхонни учратиб, ундан ўқишга киритиш йўл-йўриқларини, қанақа ҳужжатлар топширилишини сўраб-суриштиради. Жияни ва унинг икки нафар дугоналарини ўқишга киритишга ёрдам беришини илтимос қилди. Улфатхон «бўпти опа, гаплашиб кўраман», дея унинг қўл телефони рақамини ёзди олди. Икки кундан кейин кўнгироқ қилиб, келишини айтди.

— Директор билан гаплашдим, — деди кўришганлариде. — Ҳар бир ўқувчи учун юз эллик доллар сўраяпти?

— Бўпти, эртага келириш бераман. У.Ҳамидованиннг арзасига асосан ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда коллеж ҳовлисида 1100 АҚШ доллари микдоридаги порани олган У.Рўзалиева ушланади. Лаборант ушбу пулларининг 200 долларини ўзида олиб қолиб, 900 долларини коллеж директоринга бериб қўйиш учун олганини айтади. Лекин тадбир бу билан тугамади.

Директор Б.Солиев йигилишдан чиққанидан сўнг ётқ биносидеги дам олиш хонасига кирди. Унинг ортидан У.Рўзалиева кириб борди. Директор хонадаги ўқитувчиларга йўл-йўриқ берди. Улар чиқиб кетгач, лаборантга юзланди.

— Мана ҳужжатлари, тўққиз юз доллар, — деди У.Рўзалиева.

— Ишончли одамларми, гап-сўз чиқмайдими?

— Ишончли, ўзимнинг жиянларим, — дея лаборант пул ва турилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни стол устига қўйди. — Ўқишга киришлари аниқми?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин.

Лаборант чиқиб кетгач, директор пул ва ҳужжатларини стол тортмасига солиб қўйди. Худди шу пайт хонага тезкор ходимлар кириб келишди. Олган 900 доллардан ташқари директор уша қуни эрталаб фуқаро М.Мирзаевадан қизини ўқишга киритиб қўйиш эвазига олган 300 АҚШ долларини ҳам топширди.

Директор Б.Солиев, лаборант У.Рўзалиева ҳамда қизини ўқишга киритиш учун пора берган М.Мирзаевага нисбатан кўзгатишган жиноят иши судда кўрилди. Суд ҳукми билан директор олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лаборант ва М.Мирзаевага ҳам тегишли жазо тайинланди.

Хуфрийёна иш

Ғайрат АЛИКУЛОВ, СВОЖДЛКК департаментининг Чироқчи туман бўлими бошлиғи

Маълумки, пахта ёғи озиқ-овқат маҳсулоти сифатида жула қадрланади. Уни ишлаб чикариш ўзига хос мураккаб технологик жараён ҳисобланади. Замонавий корхоналарда бу талабларга қатъий амал қилинади. Лекин хонадон шартотида, яъни қўлбола усулда ёғ маҳсулотлари ишлаб чикаришда, хусусан, чигитдан ёғ ажратиб олишда бу талабларга тўла риоя қилишнинг имкони йўқ. Бундай усулда тайёрланган ёғ инсон саломатлиғига салбий таъсир кўрсатиб, турли касалликларни келтириб чикариши ҳаётда кўп бор исботланган.

Шунга қарамай, баъзи кимсалар мўмай даромад топиш мақсидида яширин цех ташкил қилиб, уй шартотида қўлбола усулда ҳеч қандай ҳужжатсиз, санитария-гигиена қоидаларини ҳамда қонунларга зид равишда истеъмолга яроқсиз ёғ маҳсулоти ишлаб чикаришга уринмоқдалар. Чироқчи туманининг Сувлиқ қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳалим Суюновнинг уйида ҳам анчандан буён жувоз ускунаси сақлаб келинади. Ҳ.Суюнов бир сафар уни ишлапти кўрганди, бийойидек ишлади. Шундан сўнг у жувозни ёрдамчи хўжалик хонасига ўрнатишга ва шу орқали пул топишга қарор қилди. Ўзига нотаниш кимсадан чигит сотиб олиб, жувозни ишга туширди. Бироқ кўп ўтмай унинг ноқонуний тадбиркорлиги фош этилди.

2015 йилнинг 29 сентябрь қуни туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир жараёнида Ҳалим Суюновнинг хуфийёна цехидан бир дона жувоз ускунаси, 80 литр жувоз ёғи, 340 килограмм чигит, 400 килограмм қунжара, 21 килограмм пахта толаси жами 2 млн. 409 минг сўмлик маҳсулот ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман суди томонидан Ҳалим Суюновга тегишли жазо тайинланди. Жиноят содир этган шахс жазосиз қолмайди. Ўзининг қилмишлари оқибаотида жамиятимизга зарар келтираётган бундай кимсалар қилаётган қонунга қарши иш охирикўбат яхшилик билан тугамаслигини яши ағдаб етишлари ва бундай ишлаб чикарилган маҳсулот нафақат иқтисодиётимизга, балки саломатлигимизга ҳам зарар етказишини асло унутмасликлари лозим.

Валютафурушлик билан шуғулланиш, уларни ватанимиз ҳудудида ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш, сотиш қонун билан тақиқлаб қўйилгани барчамизга маълум.

Ноқонуний савдонинг олди олинди

Бахрон ХУСАИНОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти бўлими катта инспектори

Бироқ, баъзи фуқароларимиз ҳанузгача қонунларнинг мазмун-мухояятини англамасдан чет эл валютаси олди-сотдиси билан ноқонуний шуғулланиб келмоқдалар.

Хусусан, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг Шўрчи туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда қонунга зид фаолият билан шуғулланаётган Шодиёр Меҳрозов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ва Бехруз Дўстматовнинг қилмишларига ҳеч қўйилди.

Маълум бўлишича, бу икки «устамон»лар олдиндан жиноий тил бириктириб, фуқаро Е.Ганишевага 9 минг 500 АҚШ долларини ўзаро «қора бозор» нарҳида келишиб, сотаётган вақтида тезкор ходимлар томонидан ушланди.

Ушбу ҳолат бўйича Шодиёр Меҳрозов ва Бехруз Дўстматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин  
Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Яшнобод туман прокуратурининг ёрдамчиси Комил Нуруллоевга уқаси  
Шароф НУРУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



## ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

### «СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.  
**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

[www.asakabank.com](http://www.asakabank.com)

Хизматлар лицензияланган

## Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

- «Соғлом авлод» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
- «Қиш фасли» — омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади;
- «Ёрқин келажак» — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- «Percent» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
- «Profit» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларидан қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган.

- «Мадад» — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
- «Хонадон» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
- «Қурилишга бошлангич бадал» — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)

Хизматлар лицензияланган

**Huquq**  
yuridik gazeta

Muassis:  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul ko'rib)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

E-mail:  
[huquq@huquq-gazeta.uz](mailto:huquq@huquq-gazeta.uz)

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-5130. 44 488 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV  
Sahifalovchi: S.BABA JANOV  
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-aktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
ISSN 2010-7617



9 772010 761004